ТИББИЁТГА АЛОҚАДОР МАҚОЛЛАРНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ибрагимова Лола Асатуллаевна

Самарқанд Давлат Тиббиёт Университети. Тиллар кафедраси

1995ibragimovalola@gmail.com

Аннотатсия: Ушбу мақолада ўзбек ҳамда инглиз тилларида тиббиётга муносабатлари қарашлари ва уларни мақоларда акс этишлари очиб берилган. мақоланинг мазмун моҳияти инглиз ва узбек тилларида тиббий мазмунга эга мақолларнинг маданий ва лисоний хусусиятлари типологик нуқтаи назардан таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Мақол, экстралингвистика, универсаллик, қиёслаш.

Obstract:. This article reveals the long historical past of the Uzbek and English peoples and their mutual cultural connection reflected in proverbs. The essence of the content of the article is the research of scientists about the universal characteristics of Uzbek and foreign proverbs, as well as the consistent differences in proverbs, and the scientific facts they found.

Key words: Proverb, extralinguistics, universality, comparison.

Аннотация: В данной статье раскрывается многовековое историческое прошлое узбекского и английского народов и их взаимная культурная связь, отраженная в пословицах. Цель статьи заключается в изложении точек зрений учёных об универсальных о характеристике узбекских и зарубежных пословиц, а также о различиях в пословицах и обнаруженных ими научных фактах.

Ключевые слова: пословица, экстралингвистика, всеобщность, сравнение.

Инсоният фаолиятидаги ўзгаришлар уларнинг маданиятига ҳам таъсир этади. Бу эса тилда ҳам ўз аксини топади. Бу борада ёзувчи М.Горкий ҳам маққолларга алоҳида баҳо бериб шундай дейди: «энг улуғ донолик сўзнинг соддалигададир. Мақоллар ва қўшиқлар ҳар вақт қисқа бўлади. Уларда бутун-бутун китоблар мазмунига тенг келадиган фикр ва сезгилар мавжуд бўлади» (М.Горкий 1997:41)

Мақол бу ҳар бир халқнинг узоқ йиллик тарихий оғзаки ижодининг маданий ёдгорлиги намунасидир. Ҳар бир этноснинг лингвамаданиятини акс эттирадиган тил ҳодисаларидан бири бу ушбу халқнинг мақоллари саналади. Ҳар бир халқнинг ўз соғлигига бўлган муносабати, қадр қиммати, соғлиги, жамиятда муҳим аҳамиятга эга эканлиги мақолларда яққол кўринади.

Қадимдан турли этносга тегишли халқлар бир-бири билан ўзаро алоқада, чамбарчас ҳаёт кечиришган, ушбу алоқалар натижасида уларнинг маданий ҳамда маънавий турмуш тарзи ривожланган. Ушбу маданий муносабатлар уларнинг тилида ҳам ўз ифодасини топган . Халқ оғзаки ижоди маҳсули бўлган матал, мақол, афаризм ҳамда афсонларни у маданиятдан бу маданиятга ўзгариши табий ҳол саналади. Аммо, халқларнинг турмуш тарзи, ўзаро муносабатлари, истиқомат қиладиган табиий шароитлари ҳам мақолларни пайдо бўлишига сабаб бўлган. Ю.И. Левиннинг қайд этишича мақолларнинг кўпчилиги универсал бўлиб, маълум этносга тегишли бўлган мақолни синоними ёки маъно жиҳатдан жуда яқин бўлган эквевалентини бошқа тилларда ҳам учратиш мумкин.

Улардаги фақатгина мажозий соҳаларда кўзга ташланади (Левин Ю.И Провербиальное просранство. В.ст: Паремиологические исследоание. Москва; (1984.-с 116-138).

Паремиологик бирликларни ҳосил бўлишида муҳим роль ўйнайдиган омиллардан бири бу экстралингвистик омил ҳисобланади. Чунки эксталингвистик омил инсониятнинг турмуш тарзи, қадриятлари, маданияти билан чамбарчас боғлик. Паремиологик бирликлар ушбу тил соҳибларининг этиқоди, миллий тил хусусияти, ўзига хос қарашлари, образларини тилда акс эттирувчи воситалар сифатида тан олинади. Жамиятнинг моддий ва маънавий маданияти уларнинг кўпчилик хусусиятларини мажозий қайта кўриб чиқиш асосида яратилган мақоллар, маталлар ушбу этнос одатларининг, ҳаёти турмуш тарзини тилда намоён этувчи ифода воситалари ҳисобланади. Хусусан, Бабкиннинг қайд этишича маьлум соҳага тегишли бўлган тараққиёт инсониятнинг ушбу соҳаларда эришган муваффаққияти фаолиятинг универсал маҳсули эканлиги таькидланади. (Бабкин 1970:106-110) Умуман олганда маълум паремиологик бирликлар, жумладан мақоллар таҳлили билан шуғулланган олимлар ишларига эътибор қаратадиган бўлсак, уларнинг кўпчилиги шу мақолларнинг таркиби структураси, семиотик моҳиятига эътибор қаратишади. Жумладан, Коиннайт инглиз тилидаги мақолларнин семиотик таркибини сестиматик тарзда ўрганишга этиборини қаратган бўлса П.Грейзбек эса инглиз тилидаги мақолларнинг моҳиятини ўрганишга эътибор қаратади.(Грейзбек, 2014:69-81). Жумладан, Леван Ивоска, Р.Хонкезер кабилар эса мақолларнинг когнитив хусусиятларини ўрганишга эътибор қаратишади. (Lewan Iowska, Antos 2014). Муаллифларнинг такидлашича мақоллар бевосита инсон тафаккури маҳсули эканлигини қайд этадилар. Масалан, Р.Хонкезерни фикрича паремиологик бирликлар маданий, антропологик, психологик, фалклоршунослик, тилшунослик, жамиятшунослик, тарих каби фан соҳиблари вакилларини диққат марказида бўлиши билан биргаликда, адабиётшунослик, ҳуқуқшунослик каби соҳа вакилларининг ҳам эътиборини жалб этиб келаётганлиги таькидланади. Чунки, мақоллар консептуал нуқтаи назардан турли вазифаларни бажаради. Мазкур мақоллар ҳар бир этноснинг маданий хусусиятлари борасида маълумот бериш билан бирга, ушбу этноснинг маданий хусусиятларини ҳам акс эттиради.

Мақолларни мулоқатда қўлланилиши ўзига хос характерли белгиларга эга. Мақоллар ўз мазмунига кўра қисқа, шерий, маъжозий, билвосида ифода мазмунига эга. Мақолларда ҳар бир халқнинг донолиги тингловчига таъсир кучининг мавжудлиги билан ҳам когнитив асосга эга саналади. Шу жиҳатдан мақолларнинг комуникатив вазиятларда қўлланилиши маълум категориялаш ҳамда прагматик вазифаларни бажаради. Бу каби хусусиятлар инсон тафаккурини ошириш, фикрлашни кенгайтириш, ишонтириш ҳамда тарбиявий аҳамиятга эга эканлигини ҳам кўрсатади. Шунинг учун ҳам ҳар бир маданий соҳаарга оид мақоллар пайдо бўлиши сабаби ҳисобланади. Паремиологик бирликлар тарихини ушбу тил соҳибларининг эътиқоди, миллий ҳусусияти, ўзига хос фантастик образлари, турли туман кўчма маноли бирикмаларини ташкил қилади. Жамиятнинг моддий ва маънавий маданияти, уларнинг кўпчилиги миллий хусусиятларни мажозий қайта кўриб чиқиш асосида яратилган вазиятлар, одамларнинг ҳаёти, айрим фразеологизмларда ва мақолларда ўз ифодасини топди.

Хусусан, маълум бир ходисага тегишли бўлган ўзгарувчанлик тарихий тараккиёти инсониятнинг турли соҳаларида эришган янгиликлари фаолияти маҳсули эканлиги шубҳасиздир дейди машҳур лингвист Бабкин. (Бабкин, 1970: 106-110).

Инглизчадан илмий адабиётда мақолларнинг сутруктур (Coinnight 2014), семмотик (Giyzbek, 2014) стиметик билан бир қаторда, мохият-хусусиятларини ўрганишга катта

этибор берилмоқда. Мақолларнинг когнитив хусусиятларини ўрганишга катта хисса қўшган тадқиқотчилардан бири, Р.Хонкезер ҳисобланади.

Олимнинг фикрича, перемиологик бирликлар маданий антропологик, психологик, фольклоршунослик, тилшунослик, жамиятшунослик тарихи, каби фан сохиблари вакилларининг диққат марказида бўлиш билан биргаликда, адабиётшунослик, менежерлик ва ҳатто ҳуқуқшунослик соҳалари вакиллари этиборини ҳам жалб қилиб келаётганини акс этади: Бундай мақолларнинг турли мақсад, вазифаларда қўлланиши хамда бир қатор ўзаро боғлиқ хусусиятларга эга эканлиги маьлум бўлади.(Honek, 1997:12) Шунга кўра олим томонидан мақолларнинг хусусиятлари турли нуқтаи-назардан ўрганилиши лозимлиги уқтирилади (Honek ,1997).

а) Шахсият (personal) :шахс тажрибаси ва турмушига асосланган субъектив нуқтаи-назардан таҳлил қилиш;

б) Формал (formal)жиҳатдан: мақолларни аниқлаш, таснифлаш учун тилшунослик, мантиқ, ва семантикага оид метод ва тушунчаларга мурожат қилиш;

в) Диний (religious) нуқтаи-назардан: матнларда диний ғоя, доноликнинг акс топишини аниқлаш

г) Адабиётшунослик (literary) нуқтаи-назаридан: наср ва назмда фаоллашган мақолларнинг бадиий қиймати, уларнинг муаллиф, замон ва макон тавсифлигидаги ўрнини белгилаш;

д) Амалий (practical) жиҳатдан тест-синовлари, жихотерамия соҳалрида фойдали имкониятлари кўриб чиқилади;

ё) Маданий (cultural) жиҳатдан умумий ёндашувда мақол турли вазифалар ижтимоий-маданий контакт доирасидаги воқеаларни ёритади;

ж) Когнитив (Cognitive) жиҳатдан ушбу ёндашувда шахсларнинг мақоллардан қандай фойдаланиши ва уларни тушунишини изоҳлаш мақсади қўйилади (Honek, 1974:14)

з) Тиббий паремеологик бирликлар ҳар бир халқнинг, маданиятнинг тарихий жиҳатдан соғлик ва саломатликка бўлган этиборини акс эттиради. Шу нуқтаи назардан тиббий паремеолигик бирликлар нафақат лингвистик балки лингвомаданий хусусиятларга ҳам эга саналади.

Шундай қилиб,узбек ва инглиз фольклоршунос ҳамда тилшунослари мақолларнинг турли белги-хусусиятларини ўрганиш борасида кўплаб тадқиқотлар олиб боришган. Олимлар тил паремологик бойлигининг катта қисмини ташкил қиладиган мақолларнинг структур-семантик жиҳатлари нутқий фаолиятда воқеланиши, ижтимоий-маданий ҳаётдаги ўрни,умуминсоний хислатлари каби масалаларни муҳокама қилишга этибор қаратишган. Шунингдек, ҳар иккала тилдаги мақолларни солиштирма тилшунослик амаллари татбиқида тахлил қилиш масаласи ҳам тадқиқотчилар этиборини янада кенгроқ жалб қилмоқда.

Мақолларни чуқурроқ таҳлил этиш ва уларнинг турли тиллардаги миллий-маъданий ҳамда умумбашарий қадриятларини акс этиши орқали ўрганиш ҳозирги замон тилшунослигининг долзарб муаммоларига киради. Бу тиллар маълум бир категориялар остида бирлашади. Бу категорияларга грамматик категориялар, лексик-семантик категориялар, функционал категорияларга ўхшаган лисоний белгилар киради. Демак,

умумлаштирувчи категориялар тиллардаги универсалликни таъминлайди. Шу аснода, мақоллар ҳар бир тилда учрайдиган ўзига хос тил бирлиги экан, уларда ҳам маълум умумийлик мавжуд.

Масалан, ўзбек халқида **«эл-соғлиги юрт бойлиги»** мақоли халқнинг соғлиги давлатнинг бойлиги сифатида қаралган. Статистик малумотларга қараганда дунёнинг ривожланган мамалакатлари хусусан Япония давлатида соғлом аҳоли етук ривожланиш консепцияси асосида ушбу мақолнинг ҳаётдаги аксини кўришимиз мумкин. Юқоридаги мақол нафақат чет эл давлатларида амал қилади хусусан Ўзбекистонимизда ҳам бепул шифокор қабуллари, оилавий шифокорларнинг ташкил этилиши халқ соғлиги йўлида қилинган ҳаракатлар ушбу мақолнинг амалда эканлигидандир. Эътиборли жиҳати шундаки инглиз тилида ушбу мақол қуидагича тарифланади «**Health the greatest wealth**» (Bryant, 1997; 25p)

Олимларнинг фикрича, миллий-маданий семантика асосан сўз, фразеологик бирлик ва афоризмларда, ўз аксини кўрсатиш билан бирга уни излаш керак бўлган фразеологик фондда тилнинг миллий ўзига хослиги ёрқин ва тўғридан-тўғри намоён этади (Верешчагин, Костомаров, 1980: 301). Бинобарин қуидаги келтирилган мақолда инглиз ҳамда ўзбек тилларида бир хил мазмунга эга бўлган икки халқнинг мақоли келтирилган. “ **an empty bag doesn’t stand up** ”. Proverbs from the book of Haitain English medical phraseology китобида юқоридаги мақолнинг таърифи шундай келтирилади “ no work gets done on an empty stomach” , яъни оч қорингa ҳеч қандай иш бажаролмайди, қорни очган одам соғлиги бўлмай ҳар қандай ишга яроқсиз бўлиб қолади дейилган. Агар ушбу мақолни айнан муқобилини ўзбек тилига хам узгартириш мумкин бўлса “бўш қоп тик турмас” мақолини келтиришимиз мумкин.

Ёки бир тилдан иккинчи тилга берилган ўгиришларда мақолларнинг айнан ўхшашини топиш қийин бўлади. Ушбу ҳолатда иккинчи бир адекват вариантга мурожат қилинади.

There's no malady that doesn't have a remedy.	**Дардини берган шифосиниям беради** **Дард борки давоси бор**
After dinner sit a while, after supper walk a mile	**Қорнинг очмасдан овқат егин, Қорнинг тўймасдан қўл артгин.**
Agues come on horseback but go away on foot.	**Оқъриқ жойини топса, Олти ой қишлайди.**

An Apple a day keeps the doctor away	**Бир анор минг дардга даво**

Қуйида келтирилган мақоллар лексик таркиб жиҳатидан фарқ қиладиган муқобил вариантлардир. Уларнинг кўпчилиги шаклан миллий, мазмунан байналмилалдирдар. Улар шакли билан ўзларининг муайян миллий тилга мансубликларини тасдиқласалар, мазмуни билан жаҳон маданияти ва сивилизацияси маҳсули эканликларини намоён қиладилар.

К. Й. Алибеков шуни таъкидлайдики, ҳозирги кунда мақоллар фақатгина халқ оғзаки ижоди намунаси сифатида эмас, балки лингвомаданиятнинг бирлиги сифатида ўрганилмоқда. У «соғлиқ» ва «гигиена» консептларини рус, ўзбек ва қозоқ тилларида қиёслаб ўрганиб, шундай хулосага келадики, рус маданиятида «соғлик» ва «гигиена» консептлари қимматбаҳо заруратни касб этса, ўзбек ва қозоқ тилларида бу консептлар бойлик билан тенглашади. Бўндан кўриниб турибдики, уч халқнинг миллий маданиятида мазкур консептида бир-бирига деярли яқин ма’ноларини англатади. Бунинг далилини инглиз ва узбек тилларида фойдаланиладиган мақоллар чоғиштирма асосида кўрадиган булсак қуйидаги мисол бунинг яққол намунасидир. (Алибеков, 2006; 61).

Инглизларнинг ушбу мақоли **“Drunk as a fish”**.. (Баликдек ичган.) ўзбек мақоллар туркумида шундай моқобил вариантини топиш мумкин. **«Маст кайф қилади, Ўзини ҳайф қилади».** Рус тилида эса қуйидаги ифода шаклига эга **“Пян – не свой – сам себе чужой”.** Ушбу мисоллар мазмунан бир хил бўлсада лисоний ифода воситалари турлича. Бу маълум мақолларнинг юзага келишида ушбу халқларга хос лингвомаданий хусусиятларга боғлиқ.

Хулоса сифатида айтадиган булсак, демак мақолларнинг универсал ва миллий хусусиятларга эгадирлар. Универсал хусусиятлар мақолларнинг тузилишида, бир маъновийлик ва кўп маъновийликлигида ҳамда мавзуларида намоён бўлса, бунинг сабаби тарихий ривожланиш, халқаро алоқаларнинг кучайиши ва умумбашарий қадрятларнинг ўсиши ҳисобланади. Миллий хусусиятлар – миллий феъл-атвор, миллий руҳ акси бўлиб, муайян бир этносга тегишли хусусиятлардир. Муайян бир этноснинг яшаш жойи, тарихи ва миллийлиги каби зарурий қирраларини билмасдан туриб, унинг мақоллари мағзини, маъносини тушуниш мутлақо мумкин эмас.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (REFERENCES)

1. Алибеков К. Е. Обучение трюкоязычных студентов медицинской лексике и пословицам русского языка с базовыми концептами “здоровье”, “гигеана”. –Ташкент, 2006. -61 б
2. Карoматова К.М, Карoматов Х.С. Proverbs. Мақоллар. Пословицы-Тошкент Меҳнат, 2000.-6,11,74- бетлар.
3. Кухарева Е. В. Типологически-универсальное и национально- специфическое в арабских пословицах и поговорках. Ч.2.- М.: РУДН,2003.
4. Левин Ю.И Провербиальное просранство. В.ст: Паремиологические исследоание. Москва; 1984.-С 116-138
5. Пермяков Г.Л. Основы структурной паремиология. – Москва, 1988

6. Bryant C. Freeman Proverbs from the book of Haitian-English Medical Phraseology:For doctors, dentists, nurses, and paramedics with accompanying tapes 1997.31-60 p
7. Coinnight M.Structural aspects of Proverbs// Introduction in Paremiologgy: a comprehencive gnide to proverb studies.-Warsew/Berlin: De gruyter, 2014.-P.113-132.
8. Gizybek П. Somantic and Semantic aspects of the Proverb // Introduction to Paremooligy.-Warsaw/ Berlin: De gruyter,2014.-P.69-81.
9. Lewandowsks a ., antos g. Cognitive aspects of proverbs// Introduction to Paremiology.-Warsey/Berlin: De Gruyter,2014.-P.162-181.
10. Lesensik V.Progmatic Stylistic aspeets of proverbs// Instroduction to Paremiology.-Warsaw/ Berlin:De gruyder,2014.-p.133-158.Mirzaaxmedova M.Y. Ingliz va o‘zbek tillarida maqollarning milliy-madaniy va universal xususiyatlari .
11. Mirzaev T. O‘zbek xalq maqollari.- Toshkent: Sharq, 2012.
12. www.oriens.uz 2021